

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 82 (10.387)

2005 ЙИЛ 27 АПРЕЛЬ

### ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

#### ҚИСҚА сатрларда

- **РЕСПУБЛИКА** Давлат болалар кутубхонасида КЕЧА Сихат-саломатлик йилига бағишлаб "Ўзбекистон ифтихорлари" деб номланган учрашув кечаси ўтказилди. Кечада мамлакатимизнинг спорт усталари иштирок этишди.
- **ЭРТАГА** 317-мактабда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан "Камолот" сардорлари иштирокида ўқув семинари уюштирилди.
- **БУГУН** Яққасарой туманидаги Воёга етмаганларни ижтимоий муҳофаза қилиш марказида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яққасарой туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган интеллектуал ўйинлар ҳамда спорт мусобақаларида "Камолот" етакчилари иштирок этишди.
- **КЕЧА** "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусовид туман Кенгаши ташаббуси билан

Тошкент шимолий вокзалда мuddатли харбий хизмат сафарига отланган йигитларни кузатиш маросими ўтказилди.

- **ҲАМЗА** туманидаги "Мустақилликнинг 10 йиллиги" маҳалласида фаоллар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати "Аёл ва ҳуқуқ" деб номланди.
- **СЕРГЕЛИ** политехника касб-хунар коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Ёзни "Камолот" билан ўтказ" лойиҳаси доирасида уюштирилган семинарда "Камолот" етакчилари иштирок этишди.
- **БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари мукхлислар эътиборига "Бир кошона сирлари" спектаклини хавола этишди.
- **МУҚИМИЙ** номидаги Ўзбек мусикали драма театрида БУГУН "Додаганим" ҳамда "Фариштали аёл" спектакллари намойиш қилинади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

"Шафақ-текстиль" қўшма корхонасининг фаолият кўрсатаётганига кўп вақт бўлмасада, замонавий дастгоҳлар ёрдамида тайёрланаётган болалар либослари ички бозорда харидорини топмоқда.

**СУРАТДА:** чевар Матлуба Умарова тиккан ҳар бир маҳсулотда болаларга бўлган меҳри муҳассам.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат



### ВЕНГРИЯ ЭКСИМБАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Венгрия Эксимбанки бosh директорининг ўринбосари Рошта Дердь раҳбарлигидаги Венгрия ишбилармон доиралари вакилларидан иборат делегация «Асака» давлат акциядорлик банки бошқаруви раиси Шокир Жўраев билан учрашди.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик истикболлари, хусусан, икки банк ўртасида вакиллик алоқаларини йўлга қўйишга оид масалалар муҳокама этилди.

Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахтабанк» ва айрим вазирликларда бўлиб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан музокаралар ўтказди.

(ЎЗА)

ма тўрт фоиз миқдориди даромад тўланмоқда.

Пластик карточка жуда қулай тўлов воситаси эканлигини кўплаб корхона ва ташкилотларнинг ўз ходимларига иш ҳақи ва маошларини у орқали беришга ўтаётганидан ҳам кўриш мумкин. Банкимиз хизмат кўрсатаётган бундай мусасасаларнинг умумий сони салкам тўрт ярим мингга етди.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги кўплаб корхоналар, Тошкент агрегат заводи, «Хоразмшакар» акциядорлик жамияти, Сирдарё ГРЭСи шулар жумласидандир.

Банкимиз яқинда замонавий «DUET 4.7» дастурини ўрнатди. Бу пластик карточка эгаларига мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари терминал ва банкоматларидан бемалол фойдаланиш имконини беради. Келгусида пластик карточканинг «корпоратив» ва «кредит» турларини ҳам амалиётда қўллаш режамизда бор.

ЎЗА мухбири  
Лазиз РАҲМАТОВ  
ёзиб олди.

#### Қарор ва ижро

## ПЛАСТИК КАРТОЧКА - ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ВОСИТА

Ўн йил муқаддам юртимизга улкан янгилик сифатида кириб келган пластик карточка ўзининг қулайлиги, фойдалилиги билан аҳоли ўртасида тобора оммалашмоқда.

—Пластик карточка ўтган давр ичида юридик ва жисмоний шахслар учун ишончли молиявий воситалардан бирига айланди, - дейди акциядорлик тижорат «Пахта-банк» и бошқаруви раиси ўринбосари Озим Тангибердиев. - Пластик карточка банкдан ташқари нақд пул муомаласини тартибга солишинг, яъни иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг ҳам мустаҳкам асосларидандир.

Бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор муҳим омил бўлмоқда. Банкимиз 2001 йилдан бош-

лаб «DUET» дастурий таъминоти асосида ишловчи илк пластик карточкаларни муомалага чиқарган эди. 2003 йилда бу тўлов воситаларидан фойдаланувчи миҳозлар сони қарийб ўн мингга етди. Хозир 133 мингга ана шундай карточка муомалада.

Банкинг барча бошқарма ҳамда филиалларида пластик карточка хизмати жорий этилган. 2004 йили миҳозлар қўлидаги пластик карточкаларнинг ҳисоб рақамларига ўн миллиард сўмдан зиёд маблағ ўтказилди. Жорий йилнинг биринчи чорағида аса бу кўрсаткич икки миллиард икки юз миллион сўмдан ортди.

Айни пайтда ҳисоб-китоб қилишнинг маъзур воситасидан кенг фойдаланиш учун савдо ҳамда хизмат кўрсатиш

пунктларига етти юздан зиёд терминал ўрнатилган. Бундай замонавий қурилмалар, энг аввало, уяли алоқа, коммунал хизматлар, ўқув-контракт тўловларини қабул қилиш, автотомобилларга ёнилги қўйиш, йирик савдо шохобчалари, умумий оқватланиш жойлари, меҳмонхоналар, авиа ва темир йўл кассаларида ўрнатилган.

Хозир Банкимиз мутахассислари яна ярим миллион наодан зиёд пластик карточкани ўз эгаларига етказиб бериш ва жойларда бир ярим мингта терминал ўрнатиш борасида иш олиб бормоқда.

Пластик карточкада чекланмаган миқдорда маблағ сақлаш мумкин. Унда сақланаётган пул маблағи учун банкимиз томонидан йилга йигир-

### XXI сағоси

Барча маблардан  
олинган сўнгги хабарлар

#### Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуринида Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш йўлида» мавзуда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- Кеча Тошкентда Украинанинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва «ЭКОСАН» халқро жамғармаси ҳамкорлигида «Чернобыль сабоқлари ва минтақавий радиацион хавфсизлик муаммолари» мавзуда халқро анжуман ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган очик мулоқот «Кредитлаш жараёнида гаровга олинган мол-мулкни ундириш, баҳолаш ва сотиш муаммолари» мавзуга бағишланди.
- Умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун мебеллар, ўқув лаборатория асбоб-усуналарини ва компьютер техникасининг Давлат буюртмаси ишлаб чиқилди.
- Ўзбек Миллий Академик театрида Тошкент вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ўрта махсус касб хунар бошқармаси ва бир нечта жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Замона ёшлари» кўрик-танловининг вилоят босқичи ташкил этилди.
- Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида «АН-Нур Мавлуда» аёллар ўқув маркази фаолиятини бошлади. Марказда хотин-қизлар бичиш-тиқишнинг турли йўналишлари, қандолатчилик, уқалаш ҳамда сартарошлик курсларида хунар ўрганадилар.



#### Жаҳонда

- Украина Президенти Виктор Ющенко мамлакат ҳарбий доктринасига НАТО ва Европа Иттифоқига аъзо бўлиш вазифасини киритди.
- Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос ўтган кунни берган баёнотида ХАМАС мамлакат парламентининг сайланган таркибига киргач, қуролларни топширади, деган умидда эканлигини билдирди.
- Америка Қўшма Штатлари расмийлари гиванд моддалар савдоси билан шугулланувчи дунёдаги энг йирик савдогарлардан бири қўлга олинганлигини маълум қилишди. Асли келиб чикиши Афғонистондан бўлган Башир Нурзай ўз вақтида Президент Жорж Буш томонидан АҚШ излаётган энг йирик жиноятчи деб номланган эди.

**Иқтисодийёт**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН**

«Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамияти қошида 1992 йилда ташкил этилган «Ишонч-Рустам» шўба корхонаси жамоаси аҳли ички бозоримизни ўрганиш асносида сифатга асосий эътибор қаратган ҳолда иш юритмоқда.

Аввалига улар муҳрлар тайёрлашни йўлга қўйдилар, куйма шаклдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришди.

— Бу орада 14 нафар малакали, касбига меҳр қўйган ишчи-хизматчиларимиз, — дейди корхона раҳбари Константин Анонов, — изланишлари, касб маҳоратлари туфайли дастгоҳ ва ускуналар янгиланди, яъни эскирган қисмлар янгиликларига алмаштирилди, уларга эҳтиёт қисмлар ҳам ўзимизда тайёрланади. Натижа эса кутилгандай бўлди ва яхши самаралар бера бошладилар.

Бир неча йиллардан буюн эса корхона аҳли янги маҳсулотлари — маҳаллий хом ашёдан юртимиздаги мебелсозлик корхоналари, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун пластмассадан ролик, тутқич каби кўплаб турдаги харидоргир маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.

Шўба корхонанинг асосий буюртмачилари асосан шахримиздаги мебел ишлаб чиқарувчи катта, кичик корхоналар ҳамда хусусий фирмалар бўлиб, жамоада барча турдаги буюртмалар ўз муддатларида, сифатли ва асосийси, нисбатан арзон нархларда бажарилади.

**КЎЗЛАРНИ КЎВНАТАДИ**

Тадбиркор Владимир Пилипук шахримиздаги хунармандлар орасида ўзининг чиройли, узок муддат ишлатиладиган, мустақкам маҳсулотлари билан яхши танилган.

У яқинда ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туман боسقичида «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлиб, 1-ўринни эгалладилар. Унинг темирдан ясалган, бир-бирини тўлдирувчи манзарали панжара, зиналар учун тутқичлар, бра, кандил, шамдон каби жуда кўплаб турдаги санъат даражасидаги маҳсулотлари муносиб баҳоюни олиб, хусусан, «SOS Kinder» болалар маҳалласи, хусусий қаҳвахона, хонадонларни безаб турибди. Энг муҳими эса хунарманд ўтган йиллар давомида кўплаб шоғирдлар ҳам тайёрлади.

Саховатли тадбиркор мана бир неча йиллардан буюн тумандаги «Зажеве» ёшлар марказига ҳомийлик қилиб, моддий томондан мадад бериб келмоқда ва келгусида ёшлар билан боғлиқ янги лойиҳалар устида ишлар олиб бормоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**Баҳорги тақриқ**

**ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ, ЎҒЛОНЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»-ги қарори ва Мудофаа вазирининг буйруғи, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган, танловлардан ўтиб муддатли хизматга лойиқ топишган йигитлар Миллий Армиямиз сафларига тантанали равишда кузатилмақда.

Хусусан куни кеча Тошкент вилояти ва шаҳар йигин пунктида Мудофаа вазирлиги қўшинларига бир гуруҳ йигитлар Мудофаа вазирлиги, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамағамалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳарбий оркестр садолари остида катта тантана билан кузатилди.

Ушбу тадбирда сўзга чиққан Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Зоҳиджон Аҳмадхўжаев, Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бош бошқармаси бошлиғи, подполковник Бахтиёр Маҳмудовлар элу юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида ўз йигитлик бурчини ўташга чоғланган йигитларга оқ йўл тилаб, ҳамisha мустақил Ўзбекистонимиз сарҳадларининг дахлсизлиги, тинчлик-товуқлини асраб-авайлаш йўлида муносиб посбон бўлишларига тилак билдирдилар.

Ота-оналар, тоға-ю хола, дўст-биродарлар, муддатли хизматга муносиб топиладиган гуруҳларни турган йигитлар билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдик.

**Шерзод АЛИМЖОНОВ, Юнусобод туманидан:** — Шу кунгача туманимиздаги мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпар-

вар» ташкилотининг ҳайдовчилик курсида ўқиб гувоҳнома олдим. Мактабда яхши ўқиганим, спорт билан шуғулланганим танловдан муваффақиятли ўтишимда катта ёрдам берди. Насиб бўлса хизматда ҳам яхши кўрсаткичларга эришаман деб ният қиламан.

**Собиржон СОЙИПОВ, Акмал Икромов туманидан:** — Ҳарбийликка ёшликдан ҳавас қиламан. Акам Садриддин ҳам ҳарбий офицер. Албатта мен ҳам унинг изидан бораман. «Генералликни орзу қилмаган аскар аскарми?» — Менинг ширим шундай, яхши хизмат қилиб, тавсиянома олиш, ҳарбий билим юртига ўқишга кириш, элимизни, юртимизни ёмон кўзлардан ҳимоя қилиш.

**Умриниса РАҲМОНОВА, 80 ёш:** — Болам мен бугун йигирманчи набирамни Армия хизматида кузатяпман. Тантанани, бўлғуси аскарларга кўрсатилаётган эҳтиромни кўриб жуда ҳаяжонланиб кетдим. Бир хил спорт кийимлари, эсдалик совгалари, байрам дастурхони — буларнинг ҳаммаси албатта мустақиллигимиз шарофати. Илоҳим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

**Замира ва Раҳима ҲОШИМОВА:** —



Биз жиянимиз Фарҳоджоннинг вояга етиб, Ватанимиз остонасини кўриқлаш учун хизматга лойиқ топиладиган фахрлиб кетдик. Қаранг йигитларимиз, бўлғуси посбонлар шаънига илиқ қаломлар айтилмақда, ҳурмат-иззат кўрсатилмоқда. Ният қилардикки, улар ҳам мана шунга муносиб бўлиб, мардлик, жасурлик билан хизматни ўтаб ота-оналари, яқинлари ёнига ёруғ юз билан қайтсинлар.

— Юртимизда барча соҳаларда туб ислохотлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохотлар самараси сифатида шунч гуруҳ билан айтиш мумкинки ҳарбий хизматнинг нуфузи, обрўйи ошган, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Зоҳиджон Аҳмадхўжаев. — Кўплаб ёшларимиз ўз ҳаётларини армия билан боғлашга ҳаракат қилишмоқда. Армия ҳаёти ўз мураккаблиқига қарамадан ёшларни ўз сафига тортмоқда. Адолатли танлов-тест ўтказилиши билан Миллий Армиямиз сафлари Ватан кўриқчиси бўлишга лойиқ ўғлонлар билан тўлмоқда.

Кузатув тадбирини кўрган одамнинг юқоридаги фикрлар бекорга келтирилмаганига гувоҳ бўлиши аниқ. Хурсандчилик, ўйин-кулгу, фахр билан кузатилган ўғлонларимизнинг ой бориб омон келишларини тилаб хайр-лашдик.

**Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА** Тошкент шаҳар ва вилоят йигин пунктларида бўлиб ўтган кузатув тантанасидан лавҳалар.  
**Александр Мручан олган суратлар**



**ПЕДИАТРИЯ**

**МАЖМУИ ОЧИЛДИ**

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида янги педиатрия мажмуи очилди.

Тадбирда олимлар, шифокорлар, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги — JICA нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Янагисава ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ҳаётга татиқ этилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид давлат дастурига мувофиқ юртимизда шошилич тиббий ёрдам хизматининг яхлит тизими шаклланаётганини, бу тизим мамлакатимизнинг барча минтақаларида аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул ва сифатли шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш вазифасини қамраб олганини таъкидладилар. Шу мақсадда 1999 йилда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ташкил этилди. Ҳозир унинг вилоятларда ўн икки филиали, туман ва шаҳар марказларида 173 бўлими ишлаб турибди.

225 ўринли янги педиатрия мажмуининг ишга туширилиши эса шошилич тиббий ёрдам хизматини юксак боسقичга кўтаришга, улғайиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялашни янада яхшилашга,

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Янги шифо маскани таркибиде қабул-диагностика, нейрохирургия ва травматология, бир ёшдан уч ёшгача ва уч ёшдан катта болаларни даволайдиган иккитадан педиатрия ва жарроҳлик, реанимация ва анестезиология бўлимлари бор. Уларнинг барчаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Беморларга етук олимлар ва малакали шифокорлар хизмат кўрсатади.

— Юртимизда катта ёшдагилар учун шошилич тиббий ёрдам хизмати муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди марказ реанимация ва анестезиология бўлими мудир Хуршид Дадаев. — Болаларга жаҳон андозалари даражасида шошилич тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг кенг йўлга қўйилиши мамлакатимизда ёш авлод камолотига берилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижасидир.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев, Япониянинг мамлакатимиздаги фавуқлодда ва мухтор элчиси Ю.Кусумото иштирок этди.

**ЎЗА**

Япониянинг «Tomen Corporation» компанияси Ўзбекистонга «Озқ-овқат маҳсулотларини янада кўпайтириш KR2» лойиҳаси доирасида бошқоқли эканлар ҳосилини йиғиб олишга ихтисослашган Финляндиянинг «Sampo Rosenlev» русумли ўн саккизта комбайни етказиб берди.




**ЯПОНИЯЛИКЛАР ГОЛИБ БЎЛДИ**

Янги олинган техникдан асосан Қорақалпоғистонда, шунингдек, контрактация асосида Хоразм ва бошқа вилоятларда фойдаланилади. Ўзбекистон сув ва қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги вакилининг «Туркистон-пресс» муҳбирига берган маълумотида қараганда, «Озқ-овқат маҳсулотларини янада кўпайтириш KR2» лойиҳаси доирасида Ўзбекистонга қишлоқ ҳўжалиги техникасини етказиб бериш бўйича Япония ҳукумати маблағи ҳисобига эълон қилинган халқаро тендерда кун чиқар юрт компанияси голиб бўлди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш даври мобайнида грант ҳисобига олинган техника ва кўрсатиладиган хизматлар божхона тўловларидан озод қилинган.

Комбайнларни йиғиш ва техник таъмирлаш сир-асрорларини ўрганиш учун бир гуруҳ қорақалпоғистонлик ҳамда хоразмлик мутахассислар Финляндияга ўқишга жўнатилди.

**«Туркистон-пресс»**



Жумладан пойтахтимизнинг марказида, яъни Алишер Навоий номидаги Санъат саройи рўпарасидаги кўчада жойлашган хусусий клиникалардан бири — «Шифо-нур» кўз лазер жарроҳлиги маркази бугунги кунда кўз касалликлари билан оғриган беморлар дардига малҳам бўлмоқда. Айтиш жоизки, бу ёруғ оламини кўришимиз учун аввало кўзларимиз соғлом бўлиши керак. Мабодо кўзларимиз оғриб хиралашиб қолгудек бўлса, дунё кўзимизга қоронғу бўлиб кўринади. Бундай ҳолга тушгулик қилмасин. Кўзларимиз доимо равшан кўриб турсин. Бугунги кунда «Шифо-нур» кўз лазер микрожарроҳлик маркази ҳамшаҳарларимизга юқори малакали тиббий хизмати тақлиф этади. Клиникада тиббиётда энг сўнги компьютерлаштирилган асбоб-ускуналар ёрдамида аниқ ташхис қўйиш, катарактани лазер экстракцияси ва миопия, гиперметропия, астигматизм ҳолатларини эксимер лазер коррекцияси ёрдамида даволанилади. Клиниканинг ташкил этилишини давр талаби деб ҳисоблаш мумкин. Бу эса дунёнинг офтальмология соҳасидаги энг етуқ асбоб-ускуналарини ва даволаш усулларини республикамиз тиббиётига татбиқ этиш имкониятини бериб. Афсуски, яқин вақтларгача замонавий асбоб-ускуналари бўлмаганлиги сабабли кўпгина беморлар бошқа давлатларга бориб даволанишларига тўғри келар эди. Бу эса беморларга анча қийинчилик туғдирар, сарф-харажатлар кўпаярди. Албатта бемор бир неча шифокорда эмас, балки битта шифокор назоратида бўлишни хоҳлайди. Бу эса даволаш сифатини оширади. Албатта бунинг учун Германия, Англия, Италия, Россия каби хорижий давлатлар тажрибалари ва технологиялари билан танишиб чиқишга тўғри келди. Шу нўхтай назардан келиб чиқиб лазер кўз микрожарроҳлик маркази биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти кўз касалликлари кафедраси мудири Алишер Раҳимович Худойбердиев раҳбарлиги остида ташкил қилинди. Ҳозирги кунда клиникада бир аспирант ва тўрт магистратура резидентлари ўз малакаларини ошириб илмий излашнилар олиб бормоқдалар.

«Шифо-нур» клиникасининг қарийб тўрт йиллик фаолияти давомида 20 мингдан ортиқ беморларга ташхис қўйилиб, маслаҳатлар берилди ва минглаб беморларга жарроҳлик амалиёти бажарилди. Бу ерга даво истаб келган беморлар орасида нафақат республикамиз аҳолиси, балки Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Туркия, Сурия, Греция, АҚШ ва Албания фуқаролари ҳам бор.

—Клиникамизда кўз касалликлари бўйича юқори малакали тиббий ёрдам, ташхис ва даволаш ишлари олиб борилади,— дейди «Шифо-нур» кўз лазер жарроҳлиги маркази директори Алишер Худойбердиев.— Мамлакатимиздаги ва хориждаги етакчи офтальмологик клиникалар («Кўз микрохирургияси» ГУ МНТК Москва, «Кўз микрохирургияси МНТКнинг Санкт-Петербург филиали, Иена (Германия) шаҳридаги Офтальмология клиникалари, 1- Тошкент Давлат тиббиёт институтининг офтальмология кафедраси) билан ўрнатган мустаҳкам алоқаларимиз клиникани муваффақиятли ривожлантириш имконини бермоқда. Марказимиз Германия, Канада, Япония, Швейцария ва Россияда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий асбоб-ускуналарга эга. Ушбу асбоб-ускуналар кўз патологияси билан клиникага ташриф буюрган ҳар қандай мижозани тўла-тўқис текшириб ташхис қўйиш билан бир қаторда ноёб имкониятларга ҳам эга. Бу ерда катаракта (кўз пардасининг хира тортишининг лазер экстракцияси ва узокни яқши қўролмаслик ва астигматизмнинг эксимер лазер коррекцияси каби) кўз қорачиғига оид ноёб жарроҳлик ишла-

ри бажарилмоқда. Катарактанинг лазер экстракцияси тирқишсимон кесим орқали кўз гавҳарининг хиралашишини бартараф этади. Бунда нур билан хира тортган гавҳар майдалаб олинади ва сунъий гавҳар қўйилади. Бу жараён жуда кичкина кесим орқали бажарилиб беморлар қисқа муддат ичида соғайиб кетадилар. Шу билан бирга жарроҳлик ишлари бажарилганидан сўнг бемор соғлигини тиклаш даврини бирмунча қисқартиради. Барча беморлар лазер жарроҳлиги амалга оширилгандан сўнг дастлабки вақтда

неча дақиқада эксимер-лазер хирургияси ёрдамида тиниқ кўришни таъминлаш мумкин. Ҳар йили Россияда 20.000дан зиёд, АҚШда эса бир йилда 300 мингта шунга ўхшаш жарроҳлик ишлари амалга оширилади. Ҳозирда кўришни яқшилаш имконияти Ўзбекистонда ҳам мавжуд.

Айтиш жоизки, инсоният ва тиббиёт тарихида лазер нури ихтиро этилиши тиббиёт оламида янгилик бўлди. Бу нур ихтиро қилингандан кейин кўзнинг шох пардасига, катарактани олиш ва кўзнинг бошқа қисмларига таъсир этиш даволash усули офтальмологияга татбиқ этилди. Кўз олмасига таъсир этиш учун лазернинг инсон организм учун мутлақо безарар турлари (совуқ лазер) ишлаб чиқилди. Биринчи вазифамиз аввало катарактани лазер нури ёрдамида олиш. Кўпчилик инсонлар кўзойнак ёки контакт линзалардан фойдаланишни ўзларига эп кўрмайдилар, уяладилар. Эксимер лазер нури билан коррекция қилиш ана шундай ҳолатларни бартараф қилади. Бу усулда кўзга тааллуқли бўлган ҳамма ўлчамлар компьютерга киритилади ва шу ўлчамлар асосида шох пардадаги нотекис жойлар лазер нури ёрдамида текисланади. Натижада кўзда ҳосил бўладиган фокус тўр пардагача етиб боради ва кўриш ҳеч қандай кўзойнак ёки контакт линза ёрдамида яқшиланади. Ҳамма бажарилган амалиётлар махсус электрон карточкага ёзилади ва маълум бир муддатдан сўнг Германиядаги экспертлар томонидан бажарилган амалиётларнинг халқаро стандартга мос келишини текшириб турилади. Ҳар қандай жарроҳлик амалиётларидан сўнг кўриш даражасини олдиндан айта олиш клиникадаги мавжуд энг замонавий компьютерлаштирилган (Германия, Швейцария, Япония ва Россиядан келтирилган) асбоб-ускуналар текширувлари натижаларига асосланган. Ишон билан айтиш мумкинки, ҳозирга қадар клиникада мингдан зиёд эксимер лазер ёрдамида коррекция қилинган беморлар кўзойнак ёки контакт линза тақишдан қутулган. Клиникада глаукома, птеригиум ва қовоқ касалликлари бўйича жарроҳлик амалиётлари ҳам бажарилади. Клиникада беморларнинг даволанишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шу билан бирга қондўзги даволаниш имкониятлари бўлиб, беморлар дори-дармонлар, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

Утган вақт ичида «Шифо-нур» клиникаси томонидан ташкил этилган халқаро конференцияда Россия, Германиянинг етакчи мутахассислари иштирок этиб улар республикамиз офтальмологлари билан яқин мулоқотда бўлиб фикр алмашдилар ва «Шифо-нур» клиникасига юқори баҳо бердилар.

Шуни таъкидлаш керакки, клиниканинг мутахассислари офтальмология соҳасидаги халқаро илмий анжуманларда, конференцияларда мунтазам иштирок этишади. Клиника директори Алишер Худойбердиев Францияда ўтказилган Европа офтальмологлар ассоциациясининг XXII конгрессида Ўзбекистондан вакил бўлиб қатнашди ва сўнги йилларда 20 мингдан ортиқ операция натижаларининг тақдими то бўлиб ўтди.

Клиниканинг мақсади кўз касалликларини текширишда ва даволашда қўлланладиган энг замонавий технологияни республикамизга татбиқ этиш ва халқимизга юқори малакали хизмат қўрсатишдир.

Сиз ҳозирданок ўз орзуларингизни рўёбга чиқаришингиз ва ёруғ оламини ўз кўзингиз билан доимо кўришингиз мумкин. Бунинг учун шаҳримизда фаолият юритаётган «Шифо-нур» кўз лазер жарроҳлиги марказига мурожаат қилинг.


**Дилором ИКРОМОВА**  
СУРАТЛАРДА: «Шифо-нур» кўз лазер жарроҳлиги маркази фаолиятдан лавҳалар.

2005 — Соҳат-саломатлик йили

## «ШИФО-НУР» ДАН ШИФО ТОПИНГ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш энг асосий ва бош масалалардан ҳисобланмоқда. Ҳозирги кунда республикамизда кўплаб хусусий клиника, поликлиника ва шифохоналарнинг фаолият қўрсатётганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

дори-дармонлар билан таъминланишади ҳамда уч ой давомида клиника мутахассислари томонидан бепул тиббий кўриқдан ўтиш имконига эга бўладилар. Шунингдек, марказда янги технологик йўналиш—эксимер лазер жарроҳлиги фаолият қўрсата бошлади. Ушбу йўналиш узокни яқши қўролмаслик ва астигматизмлардан ҳалос



бўлиш имконини беради. Клиникамиз эксимер лазер жарроҳлигига оид ноёб технологияни қўллаётган Ўзбекистон Республикасидаги дастлабки ва ягона муассаса ҳисобланади. Биз узокни яқши қўролмаслик ва астигматизм билан боғлиқ муаммолардан бир умлага ҳалос бўлишга кўмаклашамиз. Хавфсиз муолага мутлақо тигиз ва оғриқсиз амалга оширилади. Шу билан бирга юқори малакали жарроҳ назорати остида юқори даражада аниқлик билан ишлайдиган компьютер ёрдамида бошқариладиган сканер лазер тизими, шунингдек Германияда ишлаб чиқарилган бугунги кунда Марказий Осиёда энг мақбул ва ягона ҳисобланган MEL-70 эксимер лазер тизими қўлланилади.

Статистик маълумотларга қўра миопия билан дунё аҳолисининг 30 фоизи хасталанган. Ўзбекистонда эса тахминан аҳолининг йигирма тўрт фоизи миопик рефракцияга эга. Бу эса ҳар бир тўрт кишига тўғри келади. Кўзнинг айрим оптик нуқсонларини кўзойнак ва линзалар ёрдамида тўғрилаш мумкин. Лекин кўпчилик бу оптик ойналардан фойдаланишдан тортинишади ва шу билан ўзларини дунёнинг гўзаллигини кўришдан маҳрум этишади. Ҳозирги кунда ишонч билан айтиш мумкинки, бу муаммонинг ечимини топилган. Бир



Шарқ дурдоналари



● Хикмат. Бойлик ўткинчи нарсадир. Оқил киши ўткинчи ҳою ҳавасга берилмайди.

Байт:  
**Бойлик роҳат бўлса ҳам сенга,**

**Фано губоридан бўлади барбод.**

**Ҳақиқий бойлиқни кирит қўлингга,**

**Икки кунлик нарса учун бўлма шод.**

● Гуноҳни кечмоқ инсон учун ярашимли хулқдир.

● Дўст уч табақа бўлади. Биринчиси, овқат кабирив ва улардан ҳеч ажраб бўлмайди. Иккинчиси, давога ўшайди ва уларга гоҳ-гоҳ иш тушади. Учинчиси, дардга ўшайди ва улардан ҳеч яхшилик келмайди.

Байт:  
**Толер ёр билар дўстлигини қадрин,**

**Мухаббат меҳрини уриб жонига.**

● Хикмат. Ваҳоб ибн Мабнанинг айтишича, ҳийладан ҳоли бўлмаган олим ўғридир. Ақл либосини киймаган ҳар бир одам ҳайвон билан тенгдир.

Байт:  
**Нодон хато қилса, раводир унга,**

**Айб қўйиб бўлмас, йўлни билмайди.**

**Ҳайвондан минг марта ёмонроқ ҳар ким,**

**Йўлни билиб унга амал қилмайди.**

● Бир кунни Анушервон маълус уюштирган ва мулозимларидан: «Энг юмшоқ нарса нима?» деб сўради. Биров: «Шоҳи» деб жавоб берди. Биров эса: «товуқ патлари» деди. Яна бирови эса: «Шоҳидан ҳам юмшоқроқ нарса нима бўлиши мумкин» деди. Шу оқда ҳалиги йигит сарой устидан турган эди. Мулозимлар жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлган деди: «Энг юмшоқ нарса тинчликдир!» Анушервон унга офарин айтиди ва яна сўради: «Энг яхши овқат нима?» Йигит: «Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва танда иллат қўзғатмайдиган овқат энг яхши овқатдир!» деди. Яна сўради: «Энг яхши шароб қайси?» Жавоб берди: «ақлни зое қилмайдиган, касаллик қўзғатмайдиган». Яна сўради: «Гуллардан энг хуш ҳидлиси қайси?» Жавоб берди: «Ота-она тирикчилигида хурсанд қиладиган, ўлганда номини боқий қиладиган, ҳаёт гули бўлган муносиб-фарзанддир!»

● Хикоят. Ривоятлардан маълум бўлишича, ҳинд ҳақимларининг умри узок, ақли эса ўткир бўлади. Бунинг сабаби кам емакдандир. Улардан бири бодом мағзидан катта овқат емас ва бу ҳолни уч кунсиз тақорламас эди.

Китъа:  
**Бир ҳақимдан эшитдимки, ўйқдан,**

**Сўрса ўлмок учун сабаб не ҳар чок,**

**Ўндан тўққиз ўлик жавоб беради,**

**Ўлим сабабидир кўп овқат емоқ.**

● Хикмат. Бир вақт Хирот шаҳридаги фалакия мадрасасида ваъз ўқир эдим. Бир дарвеш: «Алиф тўриликни ва ҳамма харфлардан олдинлиқни қандай қўлга киритди?» деб сўраб қолди. Мен дедим: «Озодалик ва барча нарсалардан фориқлик билан. Кўрмасагани, «бе»-нинг нуқтаси (яъни доғи) борлиги учун, эгриликдан қутулиб, олдинга ўтолмайди!» дедим.

Тахририятнинг ўтган кунларини эслганимизда газетада сўнгги нафасигача ёки узок йиллар меҳнат қилиб кетган ҳозир ораимизда йўқ бўлган (уларни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) ҳамкасбларимиз хотирасини яна бир бор алоҳида ёдга олмай иложимиз йўқ. Улар Машъал Ҳақимов, Усмон Юсупов, Тўлқин Расулев, Ҳамид Икромов, Маматурсун Отахонов, Эсон Қосимов ҳамда Кенжа Ҳамроевлардир. Гарчи бугун улар ораимизда йўқ бўлсада биз «Оқшом»нинг кеча авлоди ҳаммаша ўтмишдошларимизнинг руҳи олдида таъзимдаимиз. Узаро сўхбатларимиз орасида марҳум дўстларимизни тез-тез эслаб тураимиз, улар билан боғлиқ баъзи воқеа-ходисаларни ёдга олиб гоҳ кулаимиз, гоҳ қайғураимиз. Сабаби ўша сафдошларимиз ҳар бирининг ўзига хос хислатлари, тақорланмас одатлари, характерлари бор эди. Хусусан, Машъал Ҳақимов оғир, вазмин бўлса, Усмон Юсупов унинг акси, шошқалоқ, бироз жижзаки эди. Тўлқин Расулев ишчан, бироз тортинчок бўлишига қарамай, гапирганда гапга «тўн» кийгизиб ташларди. Ҳамид Икромов етти ўлчаб бир кесадиган ўта хушёр эди. Маматурсун Отахонов шалдир-шулдур, бир гапириб ўн куладиган, Кенжа Ҳамроев эса шеър гадо-си, икки киши тўпланган жойда газалонлиқни бошлайдиган, Эсон Қосимов — ўта ўйчан, хаёлпараст, юрган йўлида ёздагидан мақоласи ҳақида хаёллаб борадиган инсон эди.

Биз «оқшом»чилар иждоқдор дўстларимизнинг йиллар қадар ёзган бадиий жанрдаги хикоя, очеркларидан тортиб оддий мақола ва ахборотларигача кузатиб борардик. Узаро сўхбатларда, тахририятнинг ҳафта якунига бағишлаган йиғилишларида ютуқларимиз ҳақида қувониб гапирсак, камчиликларимиздан куюнардик. Лекин «Бетга айтганинг захри йўқ», деганларидек бир-биримизга аёвсиз эдик, нуқсонларимизни бегараз тортинмай айтардик, жўяли масхалатлар берардик. Лекин ҳар канча тортишмайлик ҳеч қачон сан-манга бориб, гинахонлик қилмасдик. Ишдан кейин яна одатдагидек биргалашиб чиқиб кетардик, баъзан эса асабларни босиб, бироз бўлса-да ўзимизга дам бериш учун «тап босди» қилардик.

Учинимизда пўлдори Кенжа Ҳамроев эди. Уни эритиш мақсадида «манзилга» етгунча унга «ишлов» бериб борардик. Тўлқин ака бошлардик. «Кенжам маним — иқболим маним». Усмон ака давом этарди: «Кенжахоннинг кекаги шеъри яхши ёзилибди. Замонавий лирика». Маматурсун: «Унча-мунча одам ёзолмайди бу темада» деса, Ҳамид Икромов зам-зама гапга нўноқроқ бўлгани учун: «Яримтабоб шеър бўлти» деб лўндасини айтиб қўя қоларди. Бутун мақтовларимизнинг нишаби шунга қаратилгани, дилчимиз давога ошқора гап бўлгани учун ҳаммаимиз баварарига кулиб юборардик.

— Кўймадинлар, кўймадинлар. Бўпти юринлар тезроқ, — дерди Кенжа ака қўпича тўпланадиган жойимиз чувчарахона томон бошлаб. Сўхбатнинг қолгани шу ерда давом этарди.

Бугун «Оқшом»нинг ўша 1978 йилги саҳифаларини арақлай туриб бу ёруғ оламдан эрта кетган иқтидорли ҳамкасбларимиз қаламига мансуб бўлган мақолаларни бирма-бир кўздан кечирдик, уларни қайта-қайта ўқиб мушоҳада юритдик, дўстларимиз нақадар ўз касбининг фидойликлари эканлигига яна бир бор тан бердик.

Тўлқин аканинг зиммасида катта юк бор эди. Ҳафтада бир марта бериладиган «Саломатлик ҳақида сўхбатлар», «Шанба оқшоми», «Оила даврасида» саҳифалари ва умуман ахлоқ-одоб, илм-фан мавзусидаги барча материалларни тайёрлаш унинг кекага тушган. У билан қанча йиллар бирга ишлаб шундай катта ҳажмдаги ишни Тўлқин ака бирор марта бажаролмай қолганини билмаймиш. У материалларни синчковлик билан ўқирди. Бирорта имло хато назаридан четда қолмасди. Ўзи ёзган мақолага эса қалам теккизиб бўлмасди. Бош муҳаррири-миш тили билан айтганда, у ҳар қандай мақолани «зер-забарини» жойига қўярди.

Масалан, Тўлқин аканинг биргина Наврўз айёмига бағишланган «Фусункор фясл» мақоласини олайлик. Ушбу мақола Наврўз ҳақида тўла тушунтириш бериши билан бирга, равон, ўқимишли, ширин тилда ёзилганлиги билан ажралиб турарди. Қолаверса, Наврўз — эскилик сарқитига чиқарилган ўша даврда тўла мақолани ёзишга ҳамма ҳам жазм этавермасди. Шу ўринда ўша мақоладан намуналар келтиришни жоиз топдик.

«Фаслар келинчаги — баҳор келди. Кўни кеча оппоқ корга бурқаниб ётган она ери-

мизга зумрад ранг бериб баҳор келди. Баҳор ўзи билан заррин нурлар, сарин шабдалар, кўм-кўк майсалар, гулу чечаклар, ҳаяжонли хис-туйғулар олиб келди. Бу гўзалликларга ошқиб карвон-карвон турналар, чарк урган қалдирғочлар, сози тинмайдиған тұрғайлар, қўйиңғи, нағмачи паррандаю даррандалар ҳам етиб келди. Олам яшариб, табиат ноз уйқусидан кўз очди.

Наврўз халқимизнинг қадимий аёнаниий байрами, меҳнат ва бахт таронаси янғрайдиған кун. Наврўз сўзи форсча-тожикча бўлиб, янги кун деган маънони аңглатади. Ана шу кунда — 22 мартда кеча ва кундуз тенглашади. Одамлар Наврўз байрамида

ни унинг фусункорлигидан далолат бериб турибди.

Маматурсун Отахонови ҳам ораимизда ўз ўрни бор. У кўринишдан беғам бўлсада, ишда тезкор эди. Айниқса таржима борасида чапдаст эди. Унча-мунча мақолани бир ўтиришда русчадан ўзбекчага ағдариб ташларди. Дўстимиз кўпроқ харбий-ватанпарварлик мавзусида қалам тебратарди. Ма-салан, унинг биргина «Учинчи умр» мақо-ласини олиб қўрайлик. У қуйидаги жумла-лар билан бошланади: «Хар гал Матёқуб ота билан учрашганда ундан нима учун ҳасса тааяниб юриши, ўнг ёғини бироз сийлат босишининг сабабини сўрамоқчи бўларди-му, яна кўнглини оғритиб қўяман, деган андиша билан индамай қолаверардим. Бир кун маҳаллада ўтказилладиган тўй масаласи хуусида сўхбатлашиш ниятида отаникига бордим.

Эшикни одатдагича Феруза опа очдилар. Ичкарига кирсам отахон бир мўйсифид киши билан сўхбат қилиб ўтирган эканлар. Кейин билсам бу одам Матёқуб аканинг оталари экан.

— Сизлар, Матёқуб ўғлимни ҳойнаҳой ота деб қарчиларинг керак. Мен эса уни «Ғойиб» деб қақираман. Нимага десангиз у уч йил давомида икки марта ўлиб-тирилган. Эл-юртчилик аза очига тўри келди. 1944 йили ана «Ўғлингиз ҳалок бўлди» деб ёзилган хабар келтиришди. Ҳайрон бўлиб қолдим. Ахир бир одам уч марта ўлмайдику.

Шунда Матёқуб ота қўйиқ қила кетди. — Ҳа, — деди оғир нафас олиб. Отамиз тўғри гапни айтиятгилар. Мен ҳозир учинчи марта ҳаёт кечиряпман. Бу чалқашликларнинг ҳаммаси урушинг касофати» каби сўзлар билан бошланган мақола борган сари ўқувчида қизиқиб уйғотиб боради. Беихтиёр унинг давомини ўқийсан. Ниҳоят, ўзинга хулоса чиқарасан. Неча минглаб юртдошларимизнинг ёстиғини қуритган урушга лаънатлар ўқийсан. Тинч ва осойишта замонамизга шўкронлар айтасан.

Ўтмишдошларимиздан яна бири Машъал Ҳақимов эди. У кўпроқ табиат мўъжизалари ҳақида ёзарди. Гарчи номи элга танилган ёзувчи бўлишига қарамай журналистикада ҳам фаол эди. Усмон Юсуповни эса газетхонлар фельетончи сифатида яхши танишадим. Фельетон жанрининг ривожига муносиб ҳисса қўшган таланти қалам соҳибларидан бири. Усмон аканинг долзарб мавзуда ёзган фельетонлари айнан ўзимизнинг газетамиз — «Оқшом»-да босилганди.

Кенжа Ҳамроев турли мавзуларда мақолалар ёзиб билан бирга кўпроқ шеър устида бош қотирарди. Кундалик иш режасининг ярмидан кўпроқ қисми газалонлик билан ўтарди десак янғишмаймиш. Яна бир ҳамкасбимиз Эсон Қосимов эса ахлоқ-одоб мавзусида, иккинчиламачи, фиирибгарлар ҳақида мақолалар ёзишни хуш қўрарди.

Биз «Оқшом»чилар гарчи бир оила бўлсақда, лекин бир-биримизга жуда яқин бўлган сирдош, елкадош, қадрдонларимиз бўлардик, кўпича бўш вақтимизни ўша дўстимиз билан бирга ўтказардик. Керак бўлса бир магзини тенг бўлиб ердик. Ма-салан, Тўлқин Расулев ўткир Хошимов билан, Солиҳ Ёқубов Ҳамид Икромов билан, Маматурсун Отахонов Абдулгани Абдуллаев билан, қолганларимизнинг ҳам худди шунақа ўз ёқтирган жуфтлимизим бор эди.

Тахририятда ишлайдиган барча ходимларнинг ўзига хос ҳазил номи бўларди. Бу борада Тўлқин ака устаси фараң эди. У ҳар кимнинг характеридан келиб чиқиб унга шундай мос ном топардик, биз Тўлқин аканинг топқирлигига тан берардик. Лекин биз бегараз ва ўз характеримизга мос ва хо бўлиб тушган номлардан ранжимасдик. Балки бир-биримизни шу ном билан атаб, яйраб қулардик.

Шундай кунларнинг бирида сафимизга янги ходим келиб қўшилди. Унга қандай ҳазил ном қўйиш ҳақида узок ўйландик. Орандан уч-тўрт кун ўтиб бош муҳаррир хузурида газетанинг ҳафталик таҳлили бағишланган йиғилиш бўлди. Тахлилчи ўша янги ходим эди. Тўлқин ака уни синчков кузата туриб, бирдан «топдим» дея қулоғимга шилшиб қолди. «Нимани» деса, «шу йигитнинг ўзига хос номини» деди. «Нима» деб сўрасам «Сувсар» деб жавоб берди. Уртаимизда қикир-қикир кулги бошланди. Қани энди ўзимизни тўхтаата олсак.

Бугун «Оқшом» газеталарининг ўша даврдаги саҳифаларини арақлай туриб, ўтганларимизнинг руҳини шод этиш мақсадида кўпроқ улар билан боғлиқ бўлган воқеаларни эсладик.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

*Чимар сағоси*

## «ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ ЎН УЧИНЧИ ҲИКОЯ

бир-бирларига яхши ниятлар, ёзғу тилақлар билдиришади, сийхат-саломатлик, узок умр ва бахт-саодат тилашади.

Меҳнат — Наврўзнинг энг кўнглили машғулоти бўлади. Кўча ва йўлқаларни супуриш, ариқ ва анҳорларни тозалаш, дарахлар тагини юмшатиш, хиёбонларга ва болгарга турли манзарали ва мевали дарахларни ўтказиш гоьятда қизгин ва нашъали бўлади. Наврўз байрами шаҳримизда баҳор ва гўзаллик шодиеъаси сифатида нишонланади. Бу байрам билан ота-оналаримизни, ака-укаларимизни, опа-сингилларимизни, дўст биродарларни, умуман ҳаммамни муборакбод этамиз».

Тўлқин акадан биз «Оқшом»чиларга ўрганишга арзигулик катта мерос қолган.

Биз бугун ҳамкасб дўстимиз Ҳамид Икромовнинг ҳам номини ҳурмат билан ёдга оламиз. Бу инсон билан узок йиллар бирга ишладик, давраларда бўлдик. Кўнглили сўхбатлар қурдик. Узаро муносабатларимизда Ҳамид акада ҳаммасини учун сир бўлган бир галати ҳусуният борлигини пайқардик. Лекин бу ҳақда ундан ботиниб сўрай олмасдик. У баъзан тунд, ўйчан, камгап бўлиб қоларди. Гоҳида эса ақсинча ўта шўқ, қувноқ, ҳазилқаш эди. Бир гал шу ҳақда Ҳамид акадан сўраганимизда у:

— Бирор режадаги ишим битмай қолса шу ҳақда ўйлаганим-ўйлаган. Ҳаёлим фақат шу масала билан банд бўлади. Қачонки, мўлжалдаги ишни кўнглидагидек адо эта олсам хурсанд бўлиб кетаман. Шу кўни ўзимни энг бахтиёр киши деб ҳисоблайман, — деб жавоб берганди.

Ҳамид ака нафақат қалами ўткир журналист, балки туппа-тузуқ ёзувчи ҳам эди. Унинг биринчи «Қанотлар» киссаси «Шарқ юлдузи» журналида босилиб чиққани ҳамон эсимда. У кўпроқ очерк жанрида қалам тебратарди. Унинг замонамизнинг илгор кишиларини мадҳ этувчи очерклари газетхонлар эътиборидан четда қолмасди.

Ҳамид Икромовнинг Венгрияга қилган сафарини биз ҳамкасблар яхши эслаимиз. Сафардан биз олам таассурот билан қайтган Ҳамид ака шу ҳақда «Қардошлик қўшиғи» номили мақоласини битганди. Ҳамкасб дўстимизнинг руҳини шод этиш мақсадида унинг ўз қўли билан ёзилган ушбу сатрларни келтирдик. «Бекиёё Қора денгизга қуйиладиған Дунайнинг 11 мамлакат ошёнёнён оқиб ўтишини биласизми? Унинг Венгриянинг бутун худудидан Руминия, Югославия ва Чехословакиядан, Болгария, Польша ва бошқа мамлакатлардан ўтиб Россия тупроғини ўпишини эшитганмисиз? Ҳа, бу табиатнинг ноидир эхсони. Уни дўстлик дарёси деб бежиз айтишмайди. Қардош Венгрияда бўлганимизда Дунай каби ёрқин қалбларимизни дўстлигининг қайноқ меҳри туташтирганини яққол хис қилдик.

Тунда Дунайга термулсангиз фақат ҳасос рассомгина бу тилга қўчириб бўлмайдиған, кишини беихтиёр мафтун этадиған манзарани тасвирлаб бериши мумкин. Фақат ҳасос тасваккоргина тунги Дунайнинг мунис, лирик оҳангини яратиши мумкин.

Венгрияда денгиз йўқ. Лекин машҳур «Балатон қўлини венгерлар ҳақли равишда «Венгрия денгизи» деб аташади. Бўйи 197 километр, эни айрим жойларда 12 километргача етади. Унинг суви ипақдек мулоим. Ёз ойлари ҳарорати 20-22 даражадан пасаймайди: Турли кема, елкан, катерлар сузаётган бу бекиёё қўлнинг соҳиллари ниҳоятда гўзал. Қўлнинг фақат жанубидагина 15 та ийрик курорт жойлашга-

Бу — қизик

## УЙИДАН ҲАМ АЖРАБ ҚОЛДИ

Римлик Филиппо Маркотти деган киши ҳайвонларни яхши кўргани учун анчадан бери уй томида леопардлар, гепардлар, илонлар ва маймунлар боқар эди.

Бир куни уй бошқармасининг бошлиғи Филиппо хонадонига кириб келганда, уни леопард тишлаб олди. Бошликнинг шикояти бўйича Филиппо ўз ҳайвонларидан ташқари, уйдан ҳам ажраб қолди.

## МУШУК УЧУН ФЙДАЛИ

Олимларнинг аниқлашича, мушукларнинг ҳар куни яланиб, ўзларига «чирой» беришлари, уларнинг озодаликка риоя қилишларини кўрсатади.

Маълум бўлишича, мушук жундада ўзи учун зарар бўлган «В» витамини бор экан.

Агар мушуклар жунини ялаш имкониятидан маҳрум бўлиб қолсалар, асабийлашадилар, ҳатто ҳалок бўлишлари ҳам мумкин экан.

## БАРИБАЛЛАР БОСҚИНИ

Шимолий Америка ўрмонларида яшовчи қора айқлар — барибаллар кейинги пайтларда Миннесот штатининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам пайдо бўлиб қолишмоқда.

Полиция бу айқдан кўрққан ва безовталанган минглаб одамларнинг телефон кўнғирогини рўйхатга олди. Дулут шаҳрининг ўзигагина бир кунда бу ҳайвонлар олти шикоят қилишди. Улар аҳоли яшайдиган районларда ва паркларда санғиб юришади. Барибаллар уйлارнинг эшигини очмоқчи бўлишади, боғлардаги дарахтларда ухлашади, ахлат қутиларини титишади.



Айқларнинг бундай босқинига сабаб, деб ёзади Фарбий Германияда чиқадиган «Тагес-шпигель» газетаси, ўрмонларда озиқ-овқатларнинг етишмаслигидир.

## Рақиб-баранг олам

### 14 Ёшли ТАЛАБА

ОЛМАОТА чет тиллар педагогика институтига кириш учун анкета тўлатишга Аристонбек Муканов графалардан бирини тўлдирмай очик қолдирди. У ўз паспортининг номери ва сериясини кўрсатолмади. Сабаби оддий эди — чунки бу ҳужжатни, яъни паспортни олмаоталик 1 курс талабаси яна икки йилдан кейин олиши мумкин эди.

Аристонбек бошланғич синфлар программасини олти ёшдаёқ ўзлаштириб олган. У билан онаси (филолог касбда) мунтазам машғуллар олиб борди. Она айтиб берган эртақлар, қўшиқлар ва шеърлар боланинг хотирасини тез тараққий эттирди. Ун кундаёқ ўқитиши ўрганиб олди. Аристонбек кўпайтириш жадвалини икки-уч ҳафта давомидаёқ ўзлаштиришга эришди. Ўрта мактабда Аристонбек фақат аълога ўқиди. Фақат ўзининг синфлардагина битта тўрт баҳо олди ҳолос. Барча тенгдошлари қатори инглиз тили факультетининг 14 ёшли студентининг ўқишга қизиқиши катта, курсдошларидан ортада қолмаётди. У кино ва театрларга боришини, спорт билан шугулланишини севади.



Болалар эртанги кунимизнинг порлоқ юлдузлари, оиламиз қувончи, умримиз мазмунидир.

Наталья Семёнова олган суратлар.

Яратган эгачнинг ўзи ҳар бир одамга дунёга келишидан бошлаб ўзига хос табиат ато қилса керак. Бўлмаса, дунёдаги одамлар бир-бирларига аралашиб кетиб, фарқлаб бўлмайдиган бўлиб қолар эдимиз, билмадим. Масалан, мана шундай қалам тебратадиган дўстларни олиб кўрайлик, қарасангиз уларнинг ҳаммалари ҳам бир-бирларига ўхшамайди албатта. Баъзилари ачиқ чойни дамлаб кўйиб ёзса, баъзилари тамақини кетма-кет улаб бурқиратиб чекиб ўтириб ёзадилар. Ундайларнинг ижодхонасига тўсатдан кириб қолсангиз борми, йўталигиз тўхтамай қолади. Ижодкорни эса фақат қуюқ тутун ичида кўрасиз. Баъзилари кундузи ёзса, баъзилари кечалари, хотин, бола-чақалари уйкуга бош кўйиб, ҳаммаёқ осойишталикка чўкқандан кейин ёзишга киришадилар. Хали ёзадиган асарлариданги қаҳрамонларнинг ишлаш табиатларини ўзларича тақлид қилиб, уйнинг ичида югуриб юрган ҳолда машқ қилиб асар ёзадиганлари ҳам учрайди. Бир шиша арақни ёлғирга кўйиб, ҳар бир илҳомни қолганда бирда-ярим қадаҳдан кўтариб туриб асар ёзадиганларини ҳам учратганман. Қолаверса, об-ҳавога қараб асар ёзадиганларини ҳам учратганман. Қолаверса, фасл ёзувчилари ҳам бор. А, лаббай. "Йў-э, жуда унчалик эмасдир-ов", дейсизми?! Лекин қанчалик ўйламанг, бу ҳақиқатан ҳам шундай. Узоққа бормайлик, мана масалан, шахсан менинг ўзимни олиб кўрайлик, азбаройи кун исиб кетган кезларда муллақо ҳеч нарса ёзолмайман. Бутун ёз бўйи лақиллаб юраман-да, фақат совуқ тушиб, элтиримга салқин ура бошлаганда, ёзув столига ўтираман. Шунинг учун бошқалар мени ҳажв қилиб: "мавсурий ёзувчи" дейишади.

Эшитсам, насрда қалам тебратадиганларнинг кўпи баҳор келиб, теварак-атрофлар гузалликка бурқаниб, қўқаламзорлашганда қўлига қалам олишаркан. Шойларнинг баъзилари эса, жийда гуллаган маҳалида ёзган шеърлари ажойиб фасоҳатли чиқармиш... қаердадир бир ёзувчи бор экан. Доим тушида кўрган нарсаларинигина ҳикоя қилиб ёзаркан, туш кўрмагунча ҳеч

нарсга ёзолмас экан... Кўзим билан-ку кўрмадим, лекин, фалончи деган ёзувчи қўлига қалам олган ҳамано хотини орқасида ҳозир бўлиб унинг белига муштраб тураркан... "Тавбал" дейсизми? Яна билмадим, кўрганлар шундай дейишади-да.

Танқидга танқид ёзадиган бир ёзувчи дўстим бўларди, унинг айтишича, токи бирортасидан қаттиқ дашном емагунча илҳоми асло

рича, унинг ёзганлари доимо чет элнинг қайсидир ёзувчиларининг асарларига кўпроқ ўхшаб кетаркан. Агар эшитадиган бўлсангиз, бизнинг бу соҳада ҳам бундай майда-чуйда гаплар жуда кўп. Бунинг устига бу танқидчиларга қўйиб берсангиз бўлди, ўзлариники, қўлларида ҳеч нарса келмайдими, бошқалариникини ерга уришга усталар. Баъзида бирор варақ салом хатни ёзгунча, айтадиган гапини топол-

ника, у юморларни эшитишга шунчалик ҳумор. Ўша қизиқарли афсона юморлар бўлса, киприк қокмай ўтириб тонг отгунча ҳам эшитаверади. Фалон ердаги фалончи бир янги юморни биларкан, деган сўзини эшитиб қолса борми, бўлди, токи, ўшани қидириб-топиб, эшитиб келмагунча тинчимайди. Хали унинг теша тегмаган яна қизиқроқ юморларини эшитиб қолса, кўчириб оладиган кичик қўйин дафтари ҳам бор.

— Орифий, буларни оққа кўчириб олиб нима қиласиз? — деб сўрасангиз:

— Хотирам яхши эмас, — деб тўшунтиради у. — Баъзида сўраганларга мен ҳам бошқалардек қизиқ гапларни айтиб кўпчиликни ичак узилгунча қулдира дегим келади-ю, аммо қани энди эшитганларининг биттаси қаламга келса-чи денг? Шу боис, қизиқарли юморлар бўлса, шу оқдаёқ ёзиб қўядиган бўлдим.

Аммо, бу дўстимнинг юморлардан гапириб юришидан Худонинг ўзи асрасин. Уч-тўрт оғиз гап билан томон бўладиган юморларни у эзиб сикиб юборадими, азбаройи қўяверасиз, юморни эшитиб ўтирганлар қулди деганда ҳам, юморнинг қизиқлигига эмас, балки Орифийнинг бемаза сўзига қулишади. Одат экан-да...

Орифий менинг ҳикояларимни ўқиса энаси қотиб кетармиш.

— Фалон журналда эълон қилинган боғи ҳикоянгизни ўқиб чиқдим, — деди у бир куни.

— Ҳа, қандай экан? — десам: — Э-э, сиз намунча... — деб эътироз билдиради.

— Нима бўлди?!

— Бутун бир роман бўладиган воқеани кичкина бир ҳикоя қилиб юборибсиз. Эссиз, шунча яхши воқеалар... Ҳа, шулар меники бўлиб қолганда эди?!... Ҳа, Ориф Кувноқнинг "куюнганича" бор-да. Агар унинг қўлига шундай ҳикоялар тушиб қоладиган бўлса борми, роса чўзиб роман қилишга сира шубҳам йўқ. Унинг бу жиҳатдаги оддий "истеъдодига" қойилман...

Уйгур тилидан Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН таржимаси.

Муҳаммад Ашур, уйгур адиби

# ОДАТ

## ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

"Миш-миш гаплар" журнали адибларнинг қалам равидалиқ одатлари ҳақида бир нарса ёзиб беришимни ўтиниб муҳарририятга ҳат йўлаган экан. Гапни нимадан бошлашимни билалмай ҳаёл суриб кечаси билан ухломлай чиқдим.

жойидан кўзгалмасмиш... Чет элда бир машҳур ёзувчи ўтган экан, у ўзининг барча асарларини иссиқ сувга оёғини солиб ўтириб ёзганмиш... Мана шундай ажойиб-ғаройи ҳангомалар...

Романи эълон қилинган бир биродар менга яқинда ҳолини айтиб нолиди:

— Қўйинг биродар, қўйинг, ёзувчилик ҳам иш бўптими? — деб қолди.

— Ҳа, нима бўлди? — дедим мен ҳайрон бўлиб унга.

— Қарамайсизми, умримда бор-йўғи ёзганим шу биргина роман бўлди. Ҳар бир варагини ёзгунча бошимдаги сочларим тўқилиб ҳам бўлди, роман ҳам битди. Мана кўриб турганингиздек, бошимнинг тепаси яйдок "Қунчиқди" бўлиб қолди... — деди у.

Обрули Кувноқ эса ўзига хос феъл-атвордаги ёзувчидир. У бир нечта катта романларни ёзиб эълон қилиб бўлди. Лекин бошидаги сочининг бир қили ақали тебраниб ҳам қўймади. Абдиёт-шуносларнинг муҳокама қилиш-

май терлаб кетади киши, неча юз бетли романи гап билан тўлдириб чиқмоқ эса осонми?! Қисман саҳифалари бошқалариникига эҳтимол ўхшаб қолса, қоладигандир, шунга нима бўпти? Осмон узилиб ерга тушибдими?...

— Ёзда ёзди, қишда ёзди деган гапга ҳожат бормиди ўзи?! — деб қайнаб кетади Обрули Кувноқ баъзида мени кўрса. — Мана мен қайси вақтда ёзгим келса, қўлимга қалам оламан-да, сиёҳи обдон куригунча ёзавераман. Баъзида илҳомнамга бир кириб кетсам, ойлаб чиқмайдиган вақтларим ҳам бўлади...

— Ҳеч бўлмаса оқват-повқат еб оларсиз?

— Унча кўп эмас... Илҳом келмаганда, ёр-дўстларим билан кўнгил-хушлик қиламан.

Бу дўстимнинг феъл-атворидан гапирадиган бўлсам, ҳақиқатан ҳам у асар ёзмаган чоғларида қаерда уйин-қулги бўлса, ўша ерда юради. Орифнинг ўзига "Кувноқ" деб тахаллус қўйиб олгани ҳам шундан бўлса керак эҳтимол. Ай-

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги "POYTAXT AUKSION" давлат унитар корхонаси

2005 йилнинг 27,31 май ва 3,7,10,14,17,21,24,28 июнь кунлари аукцион савдоларини ўтказди. Савдоларга Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ж.Шоший кўчаси (собик Ткачей) 2-тор кўчаси, 5-уйда жойлашган бино ва иншоотлар қўйилади. Бошланғич нархи 57 065 574 сўм.

Савдоларда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% микдордаги закатал пулини "POYTAXT AUKSION" ДУК "УЈВ" ТШБ ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 "А" уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49

**Спорт**

**БАСКЕТБОЛ  
УСТАЛАРИМИЗ  
ОЛДИНДА**

Андижон ва Навоий шаҳарларида баскетбол бўйича эркаклар ўртасида мамлакат чемпионатининг 3-тур баҳслари бўлиб ўтди.

Турнирда жамоалар «А» ва «Б» гуруҳларига бўлинган ҳолда ўзаро куч синашишди. Шунини айтиш керакки, «А» гуруҳидан мамлакатимизнинг энг кучли баскетбол жамоалари ўрин олган бўлса, «Б» гуруҳида кучлилар сафига киришга ҳаракат қилаётган командалар баҳс юритишди.

Учинчи тур якунларига кўра ҳужумкор ва комбинацион ўйин кўрсатаётган шахримизнинг МХСК жамоаси голиблар сафини бошқармоқда. Тошкент Давлат техника университети командаси эса ҳозирча иккинчи ўринда бормоқда. Бухоро жамоасига учинчи ўрин насиб этган бўлса, шахримизнинг яна бир — Ўзбекистон Миллий университети командаси кучлилар сафининг куйи поғонасидан жой олган.

«Б» гуруҳида 7-Болалар ва ўсмирлар олимпия захаралари спорт мактаби (Тошкент) пешқадамлик қилмоқда. Ушбу жамоада чемпионат якунига кўра кучлилар гуруҳидан ўрин олиш учун барча имкониятлар мавжуд.

**СКИФ ҲАМОН  
ПЕШҚАДАМ**

Шахримиздаги Ўзбекистон Давлат jisмоний тарбия институти спорт залида волейбол бўйича аёллар жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг сўнгги тур учрашувлари поёнига етмоқда.

Мазкур чемпионатда «А» ва «Б» гуруҳидан ўрин олган жамоалар кучлиларини аниқлаш юзасидан баҳс юритишмоқда.

Шуниси қувонарлики, шахримизнинг Жисмоний тарбия институтининг спорт клуби кетма-кет галабаларга эришган ҳолда чемпионлик учун асосий даъвогар сифатида турнир жадвалида карвонбошилиқ қилмоқда.

Жамоалар яна иккитадан учрашув ўтказгач, мамлакат чемпионлари ва турнир совриндорларининг номлари маълум бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

**Мақдониёт**

**БУЮК АЛЛОМАЛАР МЕРОСИ**

Республика миллий матбуот марказида Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган А.Навоийнинг «Вафо қилсанг», Б.Машрабнинг «Дилим дарён нурдур», А.Бедилнинг «Шавқингни ёд этиб» номли шеърый девонларининг тақдимигога бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур анжуманда Республика Матбуот ва ахборот агентлиги, республика марказий ОАВлари, телерадиокомпания вакиллари, адабиётшунос олимлар, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, турли жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли ёзувчи ва шоирлар қатнашди. Анжуманда Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги нашриётлар томонидан сўнгги пайтларда мактаб ўқувчиларини, умуман бугунги кун ёшларини лотин алифбосидаги мумтоз адабиётимиз намуналари билан тасминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Тақдимо маросимида Фафур Фулом нашриёти директори М.Бўронов сўзга чиқиб хайри ишларнинг намуналари сифатида бугун Шарқнинг буюк алломалари Навоий, Машраб, Бедил китобларининг нашр этилиши халқимиз маданий ҳаётида катта воқеа, дея эътироф этилганили


гини таъкидлаб, мазкур китобларнинг дунёга келишида хисса қўшган адабиётшунос олимлар А.Қаюмов, В.Раҳмонов, А.Ҳайитметовларга миннатдорчилик билдирди. Бундан ташқари айна пайтда бу ишлар келгусида янада ривожлантирилишини алоҳида айтиб ўтди.

Адабиётшунос олим А.Қаюмов Ф.Фулом нашриётида мумтоз адабиётларни нашр этиш борасида улкан тажриба тўпланганили, бу ерда етук ижодий салоҳиятга эга муҳаррирлар меҳнат қилаётганлигини таъкидлаш билан бирга эндиликда улкан сўз санъаткорларининг ҳаёти ва ижодини дунёга тараннум этиш учун уларнинг асарларини рус ҳамда инглиз тилларида нашр қилиш

лозимлиги масалаларига ҳам тўхталди. Шу жумладан, анжуман иштирокчилари китоб савдоси муаммоларини, яъни мазкур китобларни чекка қишлоқ ва вилоятларга етказиб бериш имкониятлари чекланганлиги, китобларнинг нусхасини янада ошириш, буюк аллома, адиб ва шоирларнинг нафақат ижодий мероси, балки уларнинг тарғиботига бағишланган илмий-биографик асарларга ҳам кенг ўрин бериш лозимлигини таъкидлашди.

Ийгилиш якунида иштирокчиларга тақдими то ўтказилаётган мумтоз адиблар асарлари совға қилинди.

**Азиза АЛИБОВА,  
Ўзбекистон Миллий университети  
талабаси.**



**«050»**

**«ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ»  
ХАБАРЛАРИ**

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан пойтахт ҳудудида жойлашган «Чорсу», «Олой», «Юнусов», «Карвон», «Паркент», «Авиасозлар», «Кўйлик» ҳамда «Сергели-авто» бозорлари атрофида жойлашган автоуловлар тўхташ жойлари, ер ости ўтиш йўлларида профилактика ишлари олиб борилди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бозорлар маъмуриятига йўриқномалар берилди.

Бошқарманинг ўқув машғулот синфида фавқуллода вазиятда жараҳат олган аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш мавзусида «Ҳаёт учун таълим» маркази ва Яккасарой тумани 73-ўрта мактабининг 8-9 синф ўқувчилари билан кўргазмалли ўқув семинари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Сел оқимлари, сув тошқинлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш бўйича қўшимча чоралар ва уларнинг оқибатларини бартараф қилиш тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходимлари сув ҳўжаликлари билан биргаликда Толарик, Баротхўжа, Дарвозакент, Бўрижар каналларининг тозалик ҳолати, қирғоқларнинг мустаҳкамлиги, сув тошқини хавфининг олдини олиш ҳолатлари ўрганиб чиқилди. Текшириш натижалари бўйича диалогномалар тузилди ва мутасадди идораларга тарқатилди.

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси навбатчи-диспетчерлик хизматида Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 1/1 даҳаси, Сарқисов кўчасидан оқиб ўтадиган «Қимқирик» каналда номалум эркак киши жасади борлиги ҳақида Собир Раҳимов тумани ИИБ тезкор навбатчиси катта лейтенант А.Бердиевдан хабар тушди. Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси «Сувда қидирув-қутқарув хизмати» гаввослари томонидан жасад сувдан олиб чиқилди ва Собир Раҳимов тумани ИИБ ходим-

ларига топширилди.

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчилик қисмига Мирзо Улугбек тумани, Охангарон кўчаси, NEU ўйингоҳи қаршисида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгани, жабрланганларни қутқариш кераклиги ҳақида милиция ходимларидан хабар тушди. Лейтенант Мурод Жўрабоев бошчилигида «Қутқарув хизмати» ходимлари томонидан махсус қутқарув асбоб-ускуналари ёрдамида жабрланганлар автоулов ичидан чиқариб олинди ва тез тиббий ёрдам ходимларига топширилди.

Мирзо Улугбек тумани, ТТЗ-1, 21-уй, 39-хонадон эшигини ичкаридан руҳий касал аёл киши беркитиб олганлиги ҳақида фуқаро А.Эргашевдан хабар тушди. Катта лейтенант Отабек Шоюсупов бошчилигида «Қутқарув хизмати» қутқарувчиси Рустам Очилов томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги очиб берилди ва касал тез тиббий ёрдам ходимларига топширилди.

Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 1/1 даҳаси, 24-уй, 55-хонадон эшиги қўллангани, ичкарида шубҳали шахс эшикни очмаётганлиги ва милиция ходимларига ёрдам кераклиги ҳақида прокуратура ходимларидан хабар тушди. Подполковник Юрий Пак бошчилигида «Қутқарув хизмати» қутқарувчиси Рустам Очилов томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги очиб берилди.

Ўтган ҳафта давомида Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг «Қутқарув хизмати» ходимлари томонидан ўттизга яқин хонадон эшиклари очиб берилди. Тезкор навбатчи қисмига кўнгирик қилган шахсларнинг айримлари хонадон ичида ногиронлар, ёлғиз қариялар ёки ёш болалар қолиб кетгани тўғрисида хабар қилган бўлсалар, айримлари эса газ плитаси ёқилган ҳолда қолгани ва шунга ўхшаш вазиятлар юз бергани ҳақида мурожаат қилишган. Барча ҳолатларда аҳолига тез ва вақтида хизмат кўрсатилган.

**Хуснияҳон ТОҶИБОВА**

**Футбол**

**ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ  
БЕЛЛАШДИ**

Мамлакат чемпиони «Пахтакор» жамоаси жорий йилги биринчилик баҳсларини ҳам кўтаринки руҳда, ажойиб галабаларга эришган ҳолда ўтказиб, мухлислари қалбини шод этмоқда.

**ЎТГАН КУНИ**  
«Локомотив» — «Пахтакор» ҳамда «Нефтчи» — «Кизилкум» жамоалари ўртасидаги учрашувлар билан мамлакат XIV миллий чемпионатининг тўртинчи тур баҳсларига яқун ясади.


Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йилги мавсумда анча муваффақиятли қатнашиб номдор жамоаларга муносиб рақиб бўла олган «Локомотив» футболчиларидан мухлислар ажойиб ўйин намойиш этишларини кутган бўлишлари табиий. Сабаби жорий йилдан темирйўлчиларга иктидорли мутахассис Рустам Мирсодиқов бош мураббийлик қилаёпти. Лекин, майдонга фақат галаба иштиёқида тушган Агамуродов шогирдлари тезкор ҳужум уюштириш, тўпни ўзида кўпроқ олиб юриш, майдон марказини эгаллаш, чиройли комбинациялар билан рақиб дарвозасига ҳавф солиш борасида мезбонлардан яқол устунлик қилишди. Шуниси қизиқки,

қизиқarli ва ҳаяжонли дақиқаларга бой кечган учрашув 6:1 ҳисобида пахтакорчиларнинг галабаси билан якунланди. «Пахтакор» ҳужумчиси Анваржон Солиев эса уч марта рақиб дарвозасини аниқ нишонга ола билди. Шунингдек, пахтакорчилардан Жепаров, Николаев, Кошелевлар томонидан киритилган тўпларга мезбонлар борйўғи Идиатуллиннинг аниқ зарбаси туфайли бир мартагина жавоб бера олишди.

Уз майдонида Зарафшоннинг «Кизилкум» жамоасини қабул қилган «Нефтчи» эса 1:0 ҳисобидаги галабани қўлга киритди. Шундай қилиб тўртинчи турдан кейин 12 тадан очко жамғарган «Пахтакор» ва «Насаф» жамоалари биринчи, иккинчи ўринларда боришмоқда. Шахримиз шарафини ҳимоя қилаётган «Локомотив» ва «Трактор» жамоалари эса турнир жадвалининг 7,10-поғоналарини банд этиб туришибди. Пахтакорчи Анваржон Солиев ҳозирча етти та тўп билан тўпурарлар рўйхатини бошқармоқда.

Навбатдаги бешинчи тур беллашувлари 30 апрель кuni бўлиб ўтади.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**



Абдурашул Ҳакимов чизган расм.

Сўзаси суяни.

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир  
Акmal АҚРОМОВ**

Манзилими: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эъдонлар:  
133-28-95, 136-37-65,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида  
босқили.  
9009 нусхадан босқили. Қўлго бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсатқичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланганлиги.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси бошқармоқсиз.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.